

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
№ 2- СОНЛИ КЕНГАШ БАЁННОМА ҚАРОРИ

Тошкент ш.

25 сентябр 2019 йил

Раис – профессор Ж.А.Ризаев

Котиб –доцент А.А.Юлдашев

Институт Кенгаш раиси, профессор Ж.А.Ризаев қуйидаги кун тартиби асосида кенгаш мажлисини очди:

Кун тартиби:

1.2018-2019 ўқув йили баҳорги семестр натижаларининг таҳлили ва ўқув жараёнини
Маърузачи: Ўқув ва тарбиявий ишлар проректори А.М.Хайдаров

2.2019-2020 ўқув йилига бакалавриатура ва магистратура йўналишларига қабул бўйича ҳисобот. ТДСИ лицейи қабули.

Ахборотчи: Қабул комиссияси маъсул котиби Қ.Э.Шомуродов

3.Тест марказида назорат турларини ўтказиш бўйича тест базаларининг ҳолати, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар.

Ахборотчи: Таълим сифатини назорат қилиш бўлими У.Н.Воҳидов

4.Халқаро ҳамкорлик, хорижий турдош илмий-таълим ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича режалар

Маърузачи: Халқаро-ҳамкорлик ишлари проректори Б.Х.Ярмухамедов

5. Профессор ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга сайлаш.

6. Турли масалалар

Кўриб чиқилган кун тартибидаги биринчи масала: 2018-2019 ўқув йили баҳорги семестр натижаларининг таҳлили ва ўқув жараёнини Ўқув ва тарбиявий ишлар проректори А.М.Хайдаров

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Семестр учун ажратилган фанлардан академик қарздор деб топилган талабаларни кейинги семестрда (1 ой) қайта топшириш давомида қолдирилган дарслар, факультет деканлари томонидан индивидуал жадвал асосида қайта топшириш рухсат берилсин.

Масъул – Факультет деканлари

Муддат – доимо

2. Хар ой якунига, яъни координацион кенгаш ҳисоботларига кўра институтнинг мураббийлар-кенгаши томонидан декан муовинлари иштирокида ота-оналар таклиф қилиниб қолаётган талабаларнинг ўзлаштиришлари ва қарздорликлари юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилсин.

Масъул – Ўқув ва тарбиявий ишлар проректори, деканлар

Муддат –Бир ой муддат

3. ТДСИ кафедралари ва бўлимлари иш режалари ишлаб чиқилсин

Масъул – Кафедра мудири, бўлим бошлиқлари

Муддат – 1 ой

4. Педагогика ва психология кафедраси, 3-сон терапевтик йўналишдаги фанлар кафедраси халқаро таълим факультетига бириктирилсин.

**Масъул – Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор, ўқув-услубий бўлим,
деканатлар**

Муддат – Бир ой муддат

5. Календар-тематик режадаги интеграцион мавзулар бўйича тестлар кўпайтирилсин. Кафедра ходимлари томонидан фан бўйича тестлар қайта кўриб чиқиб, ундаги грамматик, орфографик ва техник хатолар тўғрилансин.

**Масъул – Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи, факультет деканлари,
кафедра мудирлари,
Муддат –Ўқув йили давомида**

6. Инглиз тилида тузилган тестлар базаси қайта кўриб чиқиб, таржима сифатини яхшилаш ҳамда профессор-ўқитувчилар учун инглиз тилини талаб даражасида таҳлил қилиш мақсадида тестлар даражаси Intermediate даражасида тайерлансин, тест базасини янги кўрсаткич – қийинлик даражасига кўра шакллантириш ва шунга кўра баҳолаш коэффиценти белгилансин


**Масъул – Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи, факультет деканлари,
кафедра мудирлари,
Муддат –Ўқув йили давомида**

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.М.Хайдаров ва Илмий ва инновация ишлари проректори Р.Амануллаев зиммаларига юклатилсин.

**Институт кенгаш раиси,
профессор**




Ж.А.Ризаев